# НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШНИНГ ЯНГИ ТАРТИБИ






ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ

БУЙРУҒИ

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Адлия вазири** — **Davletov R. K.**

Тошкент ш.
2021 йил 24 февраль,
2-мҳ-сон

Келишилди:

**Директор** — **Бурханов А. Э.**

Тошкент ш.
2021 йил 22 февраль,

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омилларни аниқлаш, аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи.

## 2006-2019

**2006** йил – Ўзбекистонда хусусийлаштириш, савдо ва солиқ соҳасида коррупцияга қарши экспертиза бошланган.

**2011** йил – “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш методикаси” локал (ички) Адлия вазири буйруғи қабул қилинган.

**2015** йил - **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти”** Адлия вазири буйруғи билан тасдиқланган.
Бунда фақат лойиҳалар экспертизаси белгиланган.

1. **2018 йилда коррупцияга қарши экспертизадан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ўтказилиши белгиланди.**
**Амалда эса алоҳида тартибда ўтказилмаган.**

2. **Коррупцияга қарши экспертиза ихтиёрий ўтказилган.**

3. **Коррупцияга қарши экспертиза ҳуқуқий экспертиза доирасида Адлия вазирлиги томонидан ҳамда ташкилотнинг юридик хизмати томонидан амалга оширилган.**

4. **Услубиётда келтирилган коррупциявий омилларни аниқлашнинг мураккаб усуллари кўрсатилган, тушунчалар тўлиқ ёритилмаган.**

## 2020-2021

Коррупцияга қарши экспертизани ўтказишнинг **янги тартиби** ишлаб чиқилди ҳамда **шартлиги** белгиланди, шунингдек Адлия вазирлигида махсус бўлим очилди

**Лойиҳалар мажбурий тартибда** ишлаб чиқувчи давлат органи томонидан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади

Лойиҳаларни Адлия органлари ҳуқуқий экспертиза доирасида коррупцияга қарши экспертизадан ўтказади

**Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан, шунингдек давлат органлари ва ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади

Коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш бўйича янги **Методика** тасдиқланди

Экспертиза **Чеклист** тўлдириш орқали амалга оширилади

Эндиликда **жамоатчилик** ҳам **regulation.gov.uz** порталида **чеклист** тўлдириш ёки ўз фикр ва таклифларини билдириш орқали коррупциявий омилларни кўрсатиш имкониятига эга бўлди

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ СУБЪЕКТЛАР

Лойиҳани ишлаб чиқувчи давлат органи ва ташкилоти

Адлия органлари (ҳуқуқий экспертиза давомида)

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАДА ИШТИРОК ЭТИШИ МУМКИН БЎЛГАН СУБЪЕКТЛАР

1. Жамоатчилик
2. Лойиҳалар келишилиши лозим бўлган давлат органлари ва ташкилотлари
3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи давлат органлари
4. Илмий ва мустақил экспертилар

# Коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш босқичлари

**1** Ишлаб чиқувчи

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқади, коррупцияга қарши экспертизани ўтказади ва чеклист тўлдиради

**2** Ишлаб чиқувчи

Лойиҳа ва чеклистни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказади

**3** Ишлаб чиқувчи

Қайта ишланган лойиҳа, чеклист ва бошқа зарур материалларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун адлия органларига киритади

**4** Адлия органлари

Коррупцияга қарши экспертиза ўтказади, натижаси бўйича хулоса тақдим этади

**5** Ишлаб чиқувчи

Лойиҳа, чеклист ва бошқа зарур материалларни Вазирлар Маҳкамаси ёки НҲҲни қабул қилувчи давлат органига киритади

# ЛОЙИҲАЛАРНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Коррупцияга қарши экспертиза **чеклист** тўлдириш орқали амалга оширилади.

**Коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича**
**ЧЕКЛИСТ**

| Йўналишлар | Мезонлар (коррупциявий омиллар) | Жавоблар | | Коррупциявий омил мавжуд норма ва унинг асоси |
|---|---|---|---|---|
| **Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий омиллар** | Сўзларнинг нотўғри қўлланилиши | бор | йўқ | |
| | Ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги | бор | йўқ | |
| | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги | бор | йўқ | |
| **Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар** | Дискрецион ваколатларнинг кенглиги | бор | йўқ | |
| | Аниқ белгиланмаган ваколатлар | бор | йўқ | |
| | Давлат органи томонидан унинг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши | бор | йўқ | |
| | Вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижрочида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги | бор | йўқ | |
| | Кечиктириб тартибга солиш | бор | йўқ | |
| | Манфаатлар тўқнашуви | бор | йўқ | |
| | Давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги | бор | йўқ | |
| | Афзалликларнинг асоссиз белгиланиши | бор | йўқ | |
| | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда қолдириш | бор | йў[illegible] | |
| | Ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номутаносибликлар | | | |
| | Маъмурий тартиб-[illegible] мавжуд [illegible] | | | |

## ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ

томонидан лойиҳани коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш жараёнида қуйидаги ҳаракатлардан бири амалга оширилади:

**КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛ**

мавжуд → **коррупциявий омил бартараф этилади** ёки **“бор” жавоби** белгиланиб, ушбу норма асослантирилиб берилади

мавжуд эмас → **“йўқ”** жавоби белгиланади

## ЖАМОАТЧИЛИК

**regulation.gov.uz** порталида жойлаштирилган лойиҳаларни чеклист тўлдириш орқали коррупциявий омилларни аниқлаш нуқтаи назаридан баҳолаши мумкин.

## АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ

ҳуқуқий экспертизага келиб тушган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказади

## АДЛИЯ ОРГАНЛАРИ

Коррупцияга қарши экспертиза натижаси ҳуқуқий экспертиза ўтказилиши натижалари бўйича тайёрланадиган хулосада алоҳида акс эттирилади

Ўтказилган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича эътирозлар мажбурий тусга эга ва лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши учун такроран киритилганда бартараф қилиниши шарт

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда коррупциявий омилларни ўз ичига олган нормалар аниқланган тақдирда мазкур ҳужжатни давлат рўйхатидан ўтказилиши рад этилади

# КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР МЕТОДИКА АСОСИДА АНИҚЛАНАДИ

| Йўналиш | Коррупциявий омил | Тушунчаси | Мисоли |
|---|---|---|---|
| **Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ коррупциявий омиллар** | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари ўзаро мувофиқ бўлиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг бир бирига зид бўлиши, ҳуқуқни қўллашда турли ҳил тушунмовчиликларнинг юзага келишига олиб келади. | ***Мисол:*** Ҳукумат қарори билан тасдиқланган намунавий ҳужжатларга мувофиқ танлов (тендер) таклифларини очиш танлов (тендер) эълон қилинган санадан бошлаб **10-15** кундан кейин бўлиб ўтади.<br>“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда ушбу муддат **30-45 кунни** ташкил қилади.<br>***Муаммо:*** Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Қонунда икки ҳил муддат белгиланганлиги оқибатида ижрочиларниннг ўзларига қулай бўлган муддатда иш юритишига ҳамда зиддиятли ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланишига олиб келади.<br>***Ечим:*** Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган муддатларни Қонунга мувофиқлаштириш зарур. |

**Коррупциявий омиллар**

**4 та**

**йўналишга ажратилади**

Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар

Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар

Назорат билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар

Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар

**Нормаларнинг барқарорлиги ва ҳуқуқий мувофиқлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар**

**Сўзларнинг нотўғри қўлланилиши** - норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг лойиҳасида қўлланилаётган сўзлар, тушунчалар ва атамалар ҳар хил маъноларни англатиши ёки аниқ бўлмаган талқин қилишга имконият яратиши мумкин.

**Ноаниқ ва асоссиз ҳаволалар келтирилганлиги** - бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги нормаларга ҳаволалар аниқ, мантиқий изчил бўлиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёхуд унинг алоҳида қоидаларини кўрсатиши керак.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги** - норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари ўзаро мувофиқ бўлиши лозим. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларининг бир бирига зид бўлиши, ҳуқуқни қўллашда турли хил тушунмовчиликларнинг юзага келишига олиб келади.

## Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ коррупциявий омиллар

- дискрецион ваколатларнинг кенглиги;

- аниқ белгиланмаган ваколатлар;

- давлат органларининг такрорловчи ваколатлари ва вазифаларнинг мавжудлиги;

- давлат органи томонидан ўзининг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши;

- вазифа ёки топшириқни бажариш учун ижрочида етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги;

- кечиктириб тартибга солиш;

- манфаатлар тўқнашуви;

- афзалликларнинг асоссиз белгиланиши;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг кучга киришини асоссиз равишда кечиктириш;

- ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги номутаносибликлар

**Маъмурий тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар**

- маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги;
- белгиланган қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз ўрнатилиши;
- ортиқча ва асоссиз талабларнинг ўрнатилганлиги;
- вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги;
- тўлов миқдорлари аниқ белгиланмаганлиги;
- санкцияларнинг номутаносиблиги;
- чора-тадбирларни амалга оширишнинг молиялаштириш манбалари ноаниқлиги

# Назорат билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар

**шикоят қилиш тартибининг мавжуд эмаслиги;**

**шаффофлик ва жамоатчилик назоратини таъминлашдаги бўшлиқлар;**

**давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилишнинг шакллари ва турлари белгиланмаганлиги**

# АМАЛДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

**Адлия вазирлиги**

Ҳар йили 15 декабрга қадар аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси» ҳамда кейинги йил учун амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режасини ишлаб чиқади.

**Вазирлар Маҳкамаси**

Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили 20 январга қадар Режа-графикда белгиланган соҳалар доирасида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаси ва коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлайди.

**Давлат органлари ва ташкилотлари**

❖Давлат органлари ва ташкилотлари амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режасида белгиланган муддатларда коррупцияга қарши экспертизани амалга оширади.

❖Натижалари бўйича тўлдирилган чеклист ҳамда аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан таклифларни Адлия вазирлигига киритади.

**Адлия вазирлиги** томонидан **2021 йилнинг 1-чораги** давомида **226** та қонунчилик ҳужжатининг **75** тасида (**33 фоизи**) **302** та коррупциявий омиллар мавжудлиги аниқланди:

## Қурилиш




**52%**

**23** тасида

**124** та

коррупциявий омиллар

## Олий




**28%**

**27** тасида

**91** та

коррупциявий омиллар

## Соғлиқни




**19%**

**13** тасида

**41** та

коррупциявий омиллар

## Давлат




**75%**

**12** тасида

**46** та

коррупциявий омиллар

# ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!